31.12.93

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№№ 49—50 (2586—2587)
1993 ЙИЛ 25 ИЮНЬ ЖУМА
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА



★ ★ ★ ★ ★ ★ ★ ★ ★

## ҲАМКАСБЛАР ҚАЙТИБ КЕЛДИЛАР

★ ★ ★ ★ ★ ★ ★ ★ ★





...Ўзбекистон Республикасининг миллий байроғи рангига бўялган самолёт кечаси Тошкент аэропортига келиб қўнди. Унда бошқа йўловчилар билан бирга республикамиз Ички ишлар вазирлигининг 19 ходими Туркиядан келган эди. Бир йил давомида улар Туркиянинг полиция Академиясида ўз касб маҳоратларини оширдилар.

Пойтахтдаги халқ филармонияси ва Мукаррам Турғунбоева номли Маданият уйи артистлари халқ чолғу асбоблари оркестрининг ижросида тантанали куйлар ҳавога таралди. Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғиниг ўринбосари, ички хизмат подполковниги Бахтиёр Носиров бошчилигидан ИИВ вакиллари ички хизмат идораларининг ходимларини гуллар билан қаршиладилар.

Таҳсил олиб Ватанга қайтганлар орасида Тошкент аэропорти тармоқ ИИБ бошлиғи, милиция капитани Равшан Туропов ҳам бор эди. Уни кутиб турган Нақлиёт ички ишлар бошқармаси (НИИБ) бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Ҳамидхон Набихонов ва ҳамкасблари ТУ-154 самолёти келиб қўниши биланоқ Туроповни ўраб олдилар. Кўришмаганларга бир йил бўлибди-я! Ҳозир Туроповга НИИБ бошлиғининг ўринбосари лавозимини таклиф қилишмоқда.

Ўн тўққиз нафар йигитларимиз орасида Навоий вилояти Қизилтепа тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Файзулла Қувондиқов ҳам бор. Ички ишлар идораларининг ходими яхши ўқиди, энди у Навоий вилояти Хатирчи тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимига тавсия қилинган.

Милиция майори Саидаҳмад Мелиев Сурхондарё вилояти, Ангор тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлаб юрганида Туркия полиция Академиясига ўқишга юборилган эди. Энди унга Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ички ишлар бошқармасининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғининг ўринбосари лавозими таклиф қилинди.

— Ким қандай ўқиганига баҳо бериш ҳозир мушкул. Буни вақт кўрсатади, — мухбиримиз саволига Бахтиёр Носиров ана шундай жавоб берди. — Ҳамкасб ўртоқларимизга қонунга амал қилиш ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишида янги муваффақиятлар тилаймиз.

**Ўз мухбиримиз.**

Суратларда: Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти.

**Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.**

## Икки жума оралиғида

### ЎҒРИЛАР УШЛАНСИН-ДА

Зомин туманидаги "Зомин" давлат хўжалиги чўпони, 1936 йилда туғилган А. Қ.нинг шўри қуриб қолди. Йиллар давомида пешона тери билан топиб, яхши кунларга атаб йиғиб қўйган 50 минг сўм пули, 150 минг сўмликдан зиёд мол-мулкини номаълум шахслар уйидан бир кечада ўмариб кетишди. Айтинг айтинг, қидирилаётган ўғрилар ушлансин-да.

### ТЕРГОВ КЕТЯПТИ

Кейинги пайтда жанговар қурол-яроққа ишқи тушиб, уни турли йўллар билан сотиб олаётган, сақлаётганлар оз бўлса-да, орамизда учраб турибди.

Яқинда ана шундай "коллекционер"лардан бири уч дона Ф-1 жанговар граната билан Тошкент шаҳар Улуғбек туманида қўлга олинди. У 1969 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган С. Ф. бўлиб чиқди. Ажал рамзи бўлган бу қуролни С. Ф. қаердан ва нима учун олгани ҳозирча номаълум. Тергов кетяпти.

### СУРИШТИРУВ БОШЛАНДИ

Жиззах шаҳрида олиб борилган тезкор чоралар натижасида Имомов кўчасида истиқомат қилган, нафақаҳўр Ф. Т.нинг уйидан ИЖ-38 белгили пневматик милтиқ, 12 ва 16 калибрли милтиқларнинг 106 дона ўқлари, бир дона ов пичоғи, бир дона Германияда ишлаб чиқарилган газли баллонча ҳамда 25 грамм гиёҳванд модда чиқди. Суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

### СУИҚАСД

Олмалиқ шаҳридаги К. Маркс кўчасида истиқомат қилган ҳеч қаерда ишламайдиган Н. С. собиқ турмуш ўртоғи А. С.ни уйида ўзи қўлда ясаган 6,5 калибрли тўппонча билан отиб ўлдирди. Суиқасд сабаблари аниқланмоқда.

### УЙДАГИ ҚЎШОТАР МИЛТИҚ

Фарғона шаҳридаги Юбилей кўчасида яшовчи, 1958 йилда туғилган В. Т. нинг хонадонидан Г 4537 рақами 1988 йилда ишлаб чиқарилган қўшотар милтиқ топиб олинди. Т. нинг очилмаган жиноятларга алоқаси йўқмикин? ИИБ ходимлари бугунги кунда худди мана шу саволни кўндаланг қўйиб, уни тергов қилишяпти.

### КУЗАТУВЧИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Урганч темир йўл шоҳбекатида каттақўрғонлик вагон кузатувчиси Б. П. текширилди.

Қарангки, милиция ходимлари адашмаган экан. 1967 йилда туғилган Б. П. ёнидан 41 килограмм кўкнори чиқди. Кузатувчи ҳибсга олинди.

### ПУЛ ЎҒРИСИ ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент тўқимачилик комбинатининг 3-ип йигирув фабрикаси кассасига куппа-кундузи ўғри тушди. Ўғри касса темир панжарасини эгиб, ичкарига кирди ва 798861 сўм пулни ўмариб кетди. Пул ўғриси қидирилмоқда.

### ЧОРА-ТАДБИР КЎРИЛДИ

Ўғриларнинг кўпчилиги ярим тунда "ов" қилишга "ихтисослашган". Яқинда мана шундай тунги ўғрилар Учқудуқ шаҳридаги "Мебель" тижорат дўконига ҳаво алмаштиргич орқали кириб, 139 турдаги жами 642134 сўм миқдорда харидоргир моллардан гумдон қилишди. Тунги ўғриларни ушлаш чора-тадбрлари кўрилди.

### ЗИЙРАКЛИК ҚЎЛ КЕЛДИ

Бухоро темир йўл шоҳбекатида милиция ходимларининг зийраклиги туфайли "Термиз-Ашгабат" маршрутли 196-рақамли поездда кетаётган қўшни Тожикистон республикасининг Оржоникидзеобод туманилик, ҳеч қаерда ишламайдиган А. А. билан 1972 йилда туғилган Ж. Н.лар бир килограмму 150 грамм наша билан қўлга олинди.

### СОЙДАГИ ЖАСАД

Ангрен шаҳридаги Опартак қўрғонидан оқиб ўтувчи Дукент сойидан Янгиобод шаҳридаги Октябрь 50 йиллиги кўчасида истиқомат қилган шахта ишчиси А.нинг жасади топилди. Тафсилотлар аниқланмоқда.

### ҚАЛБАКИ ДОЛЛАРЛАР

Тошкент аэропортида Пешовардан келиб "Тошкент — Санкт-Петербург" маршрути билан учадиган 5059-рейсга рўйхатдан ўтаётган покистонлик фуқаро, С-Петербург молия-иқтисод олийгоҳи талабаси, 1962 йилда туғилган Х. Р.нинг ёнидан етти дона қалбаки АҚШ доллари топилди. Тергов ишлари олиб борилопти.

**Т. МУРОДОВ.**

## Ҳар доим шундай бўлсайди!

Май ойида пойтахт вилоятида жиноятларнинг анча камайганлиги қайд қилинди. Буни ҳамма ҳуқуқ-тартибот идоралари шахсий таркибнинг аҳоли билан ҳамкорликда, бир ёқадан бош чиқариб қилинган саъй-ҳаракатлари натижаси деб айтсак муболаға бўлмас.

Ушбу ойнинг охирида Қурбон ҳайити бўлиб ўтганлигини, унинг маънавий таъсирини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Масалан, май ойида жиноят-қидирув соҳаси бўйича кундалик қайд этилган жиноятлар сони ўртача 20-25 тани ташкил этган бўлса (17 май куни 34 та, 20 май куни 31 та, 29 май куни 30 та), Ҳайит байрами арафаси куни 14 та, Ҳайит куни 12 та жиноят рўйхатга олинган. Менимча, бошқа изоҳнинг ўзи ортиқча, бу кунлари нохуш ҳодисалар ҳам анча кам содир этилган. Демак, покланиш, иймоннинг, мафкуранинг бу тарбиявий бўғинидан ҳаммамиз унумли фойдаланишимиз даркор.

Ана шу улуғ айём — 31 май куни оғир жиноятлар ҳисобланмиш қотиллик, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик, жиноий безорилик, автоулов ўғирлаш, қурол-ярог, заҳари қаттиқ таъсир этувчи гиёҳванд моддалар ўғирлиги, ўлим билан боғлиқ йўл-улов ҳодисалари қайд этилмади.

**М. МИРСОВУРОВ,**
**милиция подполковниги.**

## "КОЛЧАК"НИНГ ТУГАТИЛИШИ

МДҲ мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида сўз борганда кўпроқ умумий иқтисодий, энергетик, интеллектуал макон сингари таърифлар ишлатилади. Лекин умумий криминоген макон онда-сондагина тилга олинади. Бундай макон, афсуски, мавжуд. Иқтисодчилар, саноатчилар ва ишбилармонларга қараганда жиноят оламининг вакиллари анча осонроқ умумий тил топа олаётганлиги бизни ташвишга солади. Қисқаси, жиноятчилик, айниқса, унинг уюшган шакллари мустаҳкамланмоқда ва ўз чегараларини кенгайтирмоқда, унга қарши кураш олиб бориш борган сари мушкуллашмоқда. Собиқ Иттифоқ республикаларининг ички ишлар идоралари ўртасида аниқ-пухта ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилмаса, бирор иш қилиш мумкин эмас.

Тошкент вилояти ИИБ ЖҚБнинг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси ходимлари яқинда катта операция ўтказдилар. Бу ҳақда батафсил гапиришга ҳали эрта, тергов давом этмоқда, шу сабабли фақат умумий ахборот бериш билан чегараланамиз.

Тезкор хабар воситалари орқали Бўстонлиқ туманининг аҳолигоҳларидан бирида чимкентлик жиноятчилар тўдабошисининг пайдо бўлгани тўғрисида хабар олинди, "Колчак" лақабли бу жиноятчига қўшни Қозоғистоннинг ички ишлар идоралари томонидан салкам бир йил олдин қидирув эълон қилинган эди. Мавжуд маълумотларга қараганда у қонундаги ўғри мақомида юрган, қароқчилик, тамагирлик қилувчи, гиёҳвандлик моддаларини ғайри қонуний равишда сотувчи жиноятчи гуруҳларга раҳбарлик қилган. "Колчак" обрўманд раҳбар сифатида жиноятчи гуруҳлар ўртасида "қозилик" қилган, умумий пул маблағлари ва озодликдан маҳрум этилган жиноятчиларга етказиш учун мўлжалланган гиёҳвандлик моддалари ҳам унинг ихтиёрида бўлган.

Тезкор ходимлар ҳақиқатан ҳам "Колчак" тўғрисида сўз бораётганига узил-кесил ишонч ҳосил қилиш учун олинган ахборотни қайта-қайта текширдилар. Унинг ёнида доимо 5-6 киши бўлиши, улар, чамаси, шахсий соқчилар эканлиги, гуруҳ ихтиёрида асосан хорижда ишлаб чиқарилган тўртта автомашина борлиги аниқланди.

Чимкентга юборилган расмий сўровга муфассал жавоб келди. Унда маълум бўлишича, жиноятчилар гуруҳининг барча аъзолари қуролланган, уларнинг тўдабошиси эса давлат банки муассасаларига, тижорат тузилмаларининг объектларига босқинчилик уюштиришга мойил экан.

Кўп ўтмай Чимкентдан тезкор ходимлар гуруҳи етиб келди, улар Тошкент вилояти ИИБ ва Бўстонлиқ тумани ИИБдаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда уюшган жиноятчилар гуруҳини тутиш режасини ишлаб чиқдилар. Ана шу пайтдан бошлаб бутун операцияга умумий раҳбарликни вилоят ИИб бошлиғи, милиция генерал-майори Н. Исмоилов ўз зиммасига олди.

Милиция ходимларининг куч-ҳаракатлари билан бир ҳафта ичида "Колчак" ва унинг гумашталари тез-тез тўхтаган манзилгоҳлар аниқланди. Уларни тутиш учун энг маъқул вақт ва жойни белгилаш учун яқин атроф, йўллар ва подъездлар синчиклаб ўрганилди. Шуни таъкидлаш зарурки, жиноятчилар яшириниб юриш усулларини пухта эгаллаган эканлар, бу нарса аввалига тезкор ходимларни анча шошилтириб қўйди. Лекин аста-секин сиртмоқ тортила бошлади.

"Колчак" ва унинг гумашталари хонадонлардан бирида субҳидамда — кишилар ширин уйқуда бўладиган паллада қўлга олиндилар. Бу нарса улар учун шу қадар кутилмаган ҳол бўлдики, улар нафақат қуролдан фойдалана олмадилар, балки бирор-бир қаршилик кўрсатишга ҳам улгурмадилар.

Жиноятчилар гуруҳи, кўринишича, қандайдир йирик "иш"га тайёрланиб, ана шу мақсадда тумандаги вазиятни ўрганмоқда экан, лекин уларнинг режалари амалга ошмади.

Қўлга олинган жиноятчиларнинг ҳаммаси Чимкентга юборилди, у ерда қонун олдида жавоб берадилар.

**А. СТЕПАНОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ТЎҒРИСИДА

**Ушбу Қонун ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб, ноёб ҳамда экологик, иқтисодий, илмий, маданий, санитария-соғломлаштириш, эстетик нуқтаи назардан миллий бойлик ва умумхалқ мулки бўлмиш қимматли табиий мажмуаларни муҳофаза этишнинг умумий ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.**

## I БЎЛИМ.
## УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

Ўзбекистон Республикасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар ушбу Қонундан, шунингдек ер, сув, ўрмон тўғрисидаги қонунлар, ер ости бойликлари тўғрисидаги, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини муҳофаза этиш тўғрисидаги ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлардан иборат алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солиб турилади.

**2-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг вазифалари**

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг вазифалари ноёб табиий мажмуаларни, табиат ёдгорликларини, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан ҳамда табиий муҳитни кузатиш ва тадқиқ этиш мажмуидан, аҳолини экология бобида тарбиялашдан, табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига молик ҳудудлардан хўжалик мақсадида фойдаланишни чеклашдан иборатдир.

**3-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар таърифи ва уларнинг ҳуқуқий мақоми**

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар — ерлар ва сув кенгликлари (акваторийлар)нинг устивор экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик қисмларидир.

Табиат ранг-баранглигини сақлаб қолиш, экологик мувозанатни ва биосфера мониторингини сақлаб туришга, шунингдек шикаст етган табиий мажмуаларни тиклашга мўлжалланган ягона тизимни ташкил этувчи Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари хўжалик мақсадида фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман, бир умрга ёки вақтинча тортиб олиниши мумкин.

Табиий захиралардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир режалар ва дастурлар, ер тузилиши ва жойларни текислаш кесмалари ҳамда бошқа режаларни ишлаб чиқишда алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобга олинади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга Қонунда белгилаб қўйилган тартибда давлат қўриқхоналари (шу жумладан, биосфера қўриқхоналари), давлат миллий боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, давлат буюртма қўриқхоналари мақоми берилади.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари), курорт ва рекреация тегралари, ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўладиган тегралар (дарё уватлари, оқизиқли адирлар, тоғ ёнбағирларининг этаклари), нодир ва қимматбаҳо минерал конлари, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг қўриқланма (оралиқ) тегралари, балиқ хўжалиги тегралари, ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари, тарихий-табиий ва ёдгорий боғлар, ботаника ва ҳайвонот боғлари, дендрарийлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартиб асосидаги бошқа ҳудудлар ҳам алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга киради. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг қарорлари билан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг бошқа тоифалари ҳам назарда тутилиши мумкин.

**4-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга бўлган мулкчилик**

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат мулкидир ва унинг муҳофазасидадир.

Ботаника, дендрология ва ҳайвонот боғлари бошқа шакллардаги мулк асосида ҳам ташкил этилиши мумкин.

**5-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари**

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари табиатни муҳофаза этиш, соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига киради.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерларида уларнинг мақсад-муддаосига зид фаолият тақиқланади.

Юқорида айтиб ўтилган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартлари ушбу Қонун ва ер тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгилаб қўйилади.

Давлат қўриқхоналари, давлат миллий боғлари ер учун ҳақ тўлашдан озод этиладилар. Алоҳида муҳофаза этиладиган бошқа табиий ҳудудлар ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда ер учун ҳақ тўлашдан озод этилишлари мумкин. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда хўжалик фаолияти билан шуғулланадиган ҳолларда ижара ҳақи ва ер солиғи ундириб олинади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари тортиб олинишига фавқулодда ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

**6-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви**

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идоралари, шунингдек бу ишга махсус вакил қилинган давлат идоралари амалга оширадилар.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалга оширади.

**7-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш тартиби**

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош кесмаси ёки табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий мажмуи кесмасига мувофиқ барпо этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва жойлаштиришнинг бош кесмасини ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза қилишнинг ҳудудий мажмуи кесмасини тасдиқлаш билан айни бир вақтда муҳофаза этишга тавсия этилаётган ер майдонларини заҳиралаш тўғрисида қарор қабул қилинади. Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудуд ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар мазкур ҳудудда ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг хўжалик фаолияти чекланади ёки тўхтатилади. Бундай ҳолларда ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар хўжалик фаолиятининг чекланиши ёки тўхтатилиши туфайли қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришида кўрилган йўқотиш ва талафотлар учун товон олиш ҳуқуқига эгадирлар ҳамда ер солиғи бўйича имтиёзлардан фойдаланадилар.

**8-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри**

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри бу ҳудудларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг жуғрофий мавқеи, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, экологик, илмий, маърифий ва бошқа хил аҳамияти тўғрисидаги, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари давлат кадастри мазкур ҳудудлар тармоғини режалаштириш, уларни муҳофаза этишни таъминлаш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш, тегишли қоидага риоя этилиши устидан давлат назорати даражасини ошириш, шунингдек ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришни режалаштириш чоғида бу ҳудудлар ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиш мақсадида юритилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастри республика бюджети ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган ягона тизим асосида юритилади. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг давлат кадастрини юритишни Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда амалга оширадилар.

**9-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни йўлга қўйишда жамоат ташкилотлари билан фуқароларнинг иштироки**

Жамоат ташкилотлари ўз уставларига мувофиқ ва айрим фуқаролар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга оширишда давлат идоралари билан ҳамкорлик қиладилар.

Ана шу тадбирларни амалга ошириш чоғида давлат идоралари жамоат ташкилотлари билан айрим фуқароларнинг таклифларини инобатга оладилар.

## II БЎЛИМ.
## ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАЛАРИ

**10-модда. Давлат қўриқхоналарининг таърифи ва вазифалари**

Давлат қўриқхоналари ўз олдига оддий, одатий ва ноёб табиий мажмуалар, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондларини сақлаб қолиш ва ўрганиш, табиий жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устидан мониторинг ўтказиш мақсадини қўйган табиатни муҳофаза этувчи илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Давлат қўриқхоналари ҳудудидаги ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хўжалик фойдаланишидан тўлиқ ва бир умрга тортиб олинади ҳамда доимий фойдаланиш учун қўриқхоналарга бепул берилади. Давлат қўриқхоналари ерларини ижарага бериш тақиқланади.

Ҳудуди табиий ландшафтларнинг хос бўлакларидан иборат бўлган ва белгиланган тартибда биосфера қўриқхоналарининг халқаро шохобчасига киритилган давлат қўриқхоналари биосфера давлат қўриқхоналари мақомига эгадир.

Давлат қўриқхоналари зиммасига:

муҳофаза остига олинган бутун табиий мажмуани табиий ҳолатда асраш;

илмий тадқиқотлар ўтказиш;

рўёбга чиқарилганда қўриқхоналар ва муҳофаза этилаётган теграларнинг табиий мажмуига салбий таъсир этиши мумкин бўлган хўжалик объектлари ва бошқа объектларнинг лойиҳалари ҳамда уларни жойлаштириш кесмаларининг давлат экологик экспертизасида қатнашиш;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасида илмий ходимлар ва мутахассислар тайёрлашга ҳамкорлик қилиш;

экологик билимларни тарғиб этиш вазифалари юкланади.

**11-модда. Давлат қўриқхоналарини ташкил этиш тартиби ва уларни бошқариш**

Давлат қўриқхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилади.

Давлат қўриқхоналарини бошқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган идоралар томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир қўриқхона қайси идоранинг тасарруфида бўлса, шу идора Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб тасдиқлайдиган Низом асосида фаолият кўрсатади.

**12-модда. Давлат қўриқхоналарининг мақоми ва маблағлари**

Давлат қўриқхоналари юридик шахс бўлиб, республика бюджетидан таъминланади, мустақил балансда туради, уларнинг банк муассасаларида ўз ҳисоб рақамлари, ўз номида ва Ўзбекистон Республикаси давлат герби туширилган муҳри бўлади.

Давлат қўриқхоналарининг маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидан иборат маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси бюджети ажратмаларидан; илмий, табиатни муҳофаза қилиш, реклама-ноширлик ва маърифий фаолиятдан келадиган даромадлардан;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар фаолияти натижасида давлат қўриқхонасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тушумларидан;

маъмурий ва суд йўли билан ундириб олинадиган жарима пулларидан;

овчилик ва балиқчиликнинг мусодара этилган асбобларини, ноқонуний ўлжа қилинган маҳсулотларни сотишдан олинган пуллардан;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, шунингдек фуқаролардан беғараз ёрдам тарзида келадиган тушумлардан ҳосил этилади.

Давлат қўриқхоналари ўз маблағларини аниқ мақсадга қаратган ҳолда мустақил тарзда, ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ тасарруф этилади.

**13-модда. Давлат қўриқхоналарининг иш тартиби**

Давлат қўриқхоналарининг ҳудудида қўриқхоналар мақсадларига зид бўлган табиий жараёнларнинг ўзича ривожланишига путур етказадиган ёки табиий мажмуа ва объектлар ҳолатига таҳдид соладиган ҳар қанақа хўжалик, рекреация ва бошқа йўсиндаги фаолият тақиқланади.

Қўриқхоналарнинг ҳудудларида ва уларнинг қўриқланма тегараларида иқлимлаштириш мақсадида ўсимликлар ва жониворлар турларини ва хилларини жойлаштириш тақиқланади.

Давлат қўриқхоналарида улар тўғрисидаги тасдиқланган низомга мувофиқ ёнғинга қарши тадбирлар ўтказишга йўл қўйилади.

Қўриқхоналарнинг ёки уларга мутасаддилик қилувчи идораларнинг ходими бўлмаган фуқароларнинг қўриқхоналар ҳудудида бўлишига, уларда ана шу идоралар ёки қўриқхона маъмурияти берган рухсатнома бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

**14-модда. Давлат қўриқхоналарида илмий-тадқиқот фаолияти**

Илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш ва ўтказиш учун давлат қўриқхоналари ўз илмий ходимлар штати билан таъминланади. Илмий тадқиқотлар шунингдек чет илмий ташкилотларни ва айрим мутахассисларни жалб этиш йўли билан ҳам ўтказилиши мумкин. Давлат қўриқхоналарида олимлар кенгаши (илмий кенгаш) тузилади.

"Табиат солномаси"ни юритиш барча давлат қўриқхоналари учун мажбурийдир.

Давлат қўриқхоналарининг илмий жамғармаларини сақлаш муддати чегараланмайди.

Давлат қўриқхоналарига илмий асарларни нашр этиш ҳуқуқи берилади.

Давлат қўриқхоналарининг илмий тадқиқотларини Ўзбекистон Республикасининг Фанлар академияси мувофиқлаштириб боради.

## III БЎЛИМ.
## ДАВЛАТ МИЛЛИЙ ТАБИАТ БОҒЛАРИ

**15-модда. Давлат миллий табиат боғларининг таърифи ва вазифалари.**

Давлат миллий табиат боғлари табиатни муҳофаза қилиш муассасаси бўлиб, уларнинг ҳудудлари (акваторийлари) алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қимматга эга бўлган ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, рекреация, маърифий, илмий ва маданий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган табиий мажмуаларни қамраб олади.

Давлат миллий табиат боғлари ҳудуди давлат миллий боғларига эгалик қилиш ёки улардан фойдаланиш учун бериладиган ерларда, шунингдек бошқа ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ерларида жойлашади.

Давлат миллий табиат боғларига:

рекреация, маърифий ва илмий мақсадларда фойдаланиш учун табиий мажмуалар ва тарихий-маданий мeросларни асраб қолишни таъминлайдиган иш тартибига риоя этиш;

шикаст етган табиий мажмуаларни тиклаш;

тарих, маданият, меъморчилик обидаларини сақлаб қолиш;

туризм, экскурсия ва дам олиш учун шароит яратиш;

экология билимларини тарғиб қилиш;

заҳираларни тежайдиган экологик жиҳатдан соф технологияларни қишлоқ хўжалик, саноат ишлаб чиқариши ва бошқа фаолиятда ишлатишга жорий этишга кўмаклашиш;

табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий кадрлар ва мутахассислар тайёрлашга ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилади.

**16-модда. Давлат миллий табиат боғларини ташкил этиш тартиби ва уларни бошқариш**

Давлат миллий табиат боғларини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишиб туриб киритган тақдимига кўра қабул қилади.

Давлат миллий табиат боғларини бошқариш улар фаолияти табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ қайси вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тасарруфида бўлса, шу вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир миллий боғ қайси идора тасарруфида бўлса, шу идора тасдиқлаб берадиган Низом асосида фаолият кўрсатади.

**17-модда. Давлат миллий табиат боғларининг мақоми ва маблағлари**

Давлат миллий табиат боғлари юридик шахс

(Давоми 3, 6-бетларда).

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

# АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 2-бетда).**

бўлиб, давлат бюджетидан таъминланади, мустақил балансда туради, уларнинг банк муассасаларида ўз ҳисоб рақамлари, ўз номида ва Ўзбекистон Республикаси герби туширилган муҳри бўлади.

Давлат миллий табиат боғларининг маблағлари, шу жумладан, чет эл валютасидаги маблағлари:

Ўзбекистон Республикаси бюджети ажратмаларидан;

рекреация, туризм-экскурсия, реклама-ноширлик ва ушбу Қонун ҳамда Миллий боғлар тўғрисидаги низомда рухсат этилган бошқа фаолиятдан келадиган даромадлардан;

давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотларидан, қўшма корхоналар, ажнабий ва халқаро ташкилотлар ҳамда хусусий шахслардан келадиган пул маблағлари ва моддий бойликлардан;

давлат миллий табиат боғини муҳофаза этиш қоидасини бузувчилардан белгиланган тартибда ундириб олинадиган жарима пуллардан иборат тушумлардан;

корхона, муассаса, ташкилот ва фуқароларнинг фаолияти натижасида давлат миллий табиат боғига етказилган зарар ўрнини қоплаш ҳисобидан келадиган тушумлардан ҳосил этилади.

Давлат миллий табиат боғлари ўз маблағларини аниқ мақсадга қаратган ҳолда мустақил тарзда, ушбу Қонуннинг 16-моддасига белгиланган тартибга мувофиқ тасарруф этадилар.

**18-модда. Давлат миллий табиат боғларининг иш тартиби**

Давлат миллий табиат боғларининг ҳудудларида табиий мажмуа ва объектлар ҳолатини, уларнинг рекреация, маданий ва эстетик қимматини инобатга олган ҳолда муҳофаза этиш ва улардан фойдаланишнинг табақалаштирилган тартиби белгилаб қўйилади.

Давлат миллий табиат боғларининг теграсида давлат қўриқхоналари ҳудудлари учун назарда тутилган тартибдаги қўриқ тегралари, рекреация, хўжалик ва ўзга йўсиндаги фойдаланиш тегралари, тарихий-маданий объектларнинг муҳофаза тегралари ажратиладики, уларда давлат миллий табиат боғлари вазифаларига зид бўлмаган фаолият билан шуғулланилади.

Давлат миллий табиат боғларининг ҳудудида:

дарахт кесишга (санитария мақсадидаги ва парваришлар йўсинидаги кесиш бундан мустасно);

экологик жиҳатдан хавф-хатар туғдирувчи саноат корхоналарининг фаолият олиб боришига;

гидрология ва гидрогеологик тартибни ўзгартириб юборувчи ҳаракатларга;

тупроқ эрозиясини, шунингдек ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таназзулини келтириб чиқарувчи ҳаракатларга;

давлат миллий табиат боғларининг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йўл ва муҳандислик-коммуникация ишлари олиб боришга;

кимё ва радиоактив моддаларнинг чиқиндиларини кўмишга;

иқлимлаштириш мақсадида тирик организмларни кўчириб келтиришга йўл қўйилмайди.

Давлат миллий табиат боғларида улар ҳудудининг табиий, илмий, эстетик ва маданий қиммати пасайишига олиб келувчи бошқа фаолият турлари тақиқланиши ёки чекланиши мумкин.

Боғнинг расамади билан фаолият кўрсатиши учун йўллар, бошқа коммуникация ва иншоотлар қуриш зарур бўлиб қолган ҳолларда шикаст топган ерларни маданийлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари мажмуини ўтказиш мажбурийлиги назарда тутилади.

## IV БЎЛИМ. ДАВЛАТ БУЮРТМА ҚЎРИҚХОНАЛАРИ ВА ДАВЛАТ ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИ

**19-модда. Давлат буюртма қўриқхонаси тушунчаси ва бундай қўриқхонани ташкил этиш**

Давлат буюртма қўриқхоналари табиий мажмуаларни ёки уларнинг айрим бўлакларини асраш, кўпайтириш ва тиклаш мақсадида буюртма қўриқхона олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун зарур муддатга ажратиб бериладиган ҳудудлар (акваторийлар)дир.

Давлат буюртма қўриқхоналари республика ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлиши мумкин.

Буюртма қўриқхоналар вазифасига кўра:

алоҳида қимматга эга бўлган табиий ландшафтлар ва мажмуаларни асраш ва тиклаш учун мўлжалланган ландшафт (яхлит) буюртма қўриқхоналарга;

қимматли, нодир ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ва жониворлар турларини асраб қолиш ва тиклаш учун мўлжалланган биологик (ботаник, зоологик) буюртма қўриқхоналарга;

айрим қазилма бойликлар ва уларнинг мажмуини асраб қолиш учун мўлжалланган биологик (ботаник, зоологик) буюртма қўриқхоналарига;

жонсиз табиатнинг қимматли объектлари ва мажмуаларини асраб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, кўл, дарё) буюртма қўриқхоналарга;

табиат яратган нодир ва ноёб рельеф шаклларини асраб қолиш учун мўлжалланган геоморфологик буюртма қўриқхоналарга;

нодир геологик ва минералогик ҳосилалар ва тузилмаларни асраб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик буюртма қўриқхоналарга бўлинади.

Ноёб минерал ва ўзга хил геологик тузилмаларга эга бўлган ҳамда фундаментал илмий аҳамиятга молик геологик буюртма қўриқхоналарга давлат қўриқхонаси мақоми берилиши мумкин.

Буюртма қўриқхоналар фаолият муддатлари кўрсатилмай (муддатсиз), 5 йилдан ортиқ муддатга (узоқ муддатли) ёки 5 йилдан кам муддатга (қисқа муддатли) қилиб ташкил этилади.

Республика аҳамиятига молик давлат буюртма қўриқхоналарини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ташкил этади.

Маҳаллий аҳамиятга молик давлат буюртма қўриқхоналари табиатни муҳофаза этиш идораларининг тақдимига кўра вилоят ҳокимларининг қарори билан ташкил этилади.

**20-модда. Давлат буюртма қўриқхоналарининг иш тартиби**

Давлат буюртма қўриқхоналари деб эълон қилинган ҳудудлар уларни хўжалик мақсадларида истифода этаётган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан тортиб олинмайди.

Ерида давлат буюртма қўриқхоналари ташкил этилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар давлат буюртма қўриқхонаси белгилайдиган тартибга риоя этишлари шарт.

Давлат буюртма қўриқхоналарининг ҳудудларида буюртма қўриқхона олдига қўйилган вазифаларга зид бўлган фаолиятнинг ҳар қанақа тури тўхтатилади ёки чеклаб қўйилади.

Ҳар бир давлат буюртма қўриқхонасининг аниқ вазифалари ва иш тартибининг хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг идоралари, ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар билан келишиб туриб ишлаб чиқиладиган ҳамда давлат буюртма қўриқхонаси ташкил этиш тўғрисида қарор чиқарган идора тасдиқлайдиган низомда белгилаб қўйилади.

**21-модда. Давлат табиат ёдгорликлари**

Экологик, илмий, эстетик, маданий жиҳатдан ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмас, қимматли, келиб чиқиши табиий бўлган объектлар давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қилинади.

Табиат объектларини давлат ҳокимиятининг маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза этиш бўйича давлат идоралари тақдимига биноан давлат табиат ёдгорликлари деб эълон қиладилар.

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилардан улар эгаллаб турган ер участкаларини тортиб олмай туриб ҳам объект давлат табиат ёдгорлиги деб эълон қилинишига йўл қўйилади.

Давлат табиат ёдгорликлари жойлашган ҳудудда уларни асраб қолишга таҳдид этувчи ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Табиат ёдгорликларини муҳофаза этиш тартибини таъминлашга оид мажбуриятлар, бу ёдгорликлар қайси корхона, муассаса ва ташкилот ҳудудида бўлса, шу корхона, муассаса ва ташкилот зиммасига юкланади.

Табиий объектни давлат табиат ёдгорлиги деб эълон қилиш тўғрисида қарор чиқарган идора объектни муҳофаза остига ўтказиш ва муҳофаза этиш мажбуриятини расмийлаштириш ишларини амалга оширади.

Аҳоли диний мақсадларда фойдаланиб турган давлат табиат ёдгорликлари, уларни муҳофаза этиш ва ободонлаштириш ишлари ўтказиш мақсадида, давлат табиат ёдгорликларини асраб қолиш шарти билан диний ташкилотларга ёки алоҳида шахсларга фойдаланиш учун ёхуд ижарага берилиши мумкин.

## V БЎЛИМ. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ЎЗГА ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР

**22-модда. Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) ва уларни ташкил этиш**

Дарёларнинг, кўлларнинг, сув омборларининг, каналларнинг, коллекторларнинг ҳамда бошқа сув объектларининг ўзанларига туташ ҳудуд сувни муҳофаза қилиш теграси деб эътироф этилади ва бу ҳудуд учун ифлосланиш, буғланиш, саёзланишнинг ҳамда сув объектлари тупроқ нураши маҳсуллари бўлмиш лойқа билан тўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек энг мақбул сув маромини сақлаб туриш учун махсус тартиб-қоида белгилаб қўйилади.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари)нинг иш тартиби ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўладиган тегралари (дарё уватлари, оқизиқли адирлар, тоғ ёнбағирларининг этаклари)га ҳам тааллуқлидир.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тартибга мувофиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идораларининг тақдимига биноан белгиланади.

Давлатлараро дарёлардаги сувни муҳофаза қилиш тегралари манфаатдор давлатлар ўртасида тузилган шартномаларга биноан белгиланади. Аҳоли пунктлари ҳудудида хўжаликлараро ер тузиш ва ер текислаш чоғида сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) барпо этишга доир масалалар табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идоралари билан келишиб олиниши лозим.

**23-модда. Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари)нинг иш тартиби**

Сувни муҳофаза қилиш теграси доирасида сув объектларини ёқалаб хўжалик фаолиятини юритиш қатъий чекланган ҳудуддан иборат қирғоқ минтақалари ажратилади.

Сувни муҳофаза қилиш теграси доирасида аҳоли пунктларидаги аҳолининг ичиши ва рўзғорда фойдаланиши учун сув тўплаш мақсадида сув объектларини ёқалаб санитария муҳофазаси минтақаси белгиланиб, унда ҳар қандай хўжалик фаолияти юритиш ман этилади.

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари) доирасида чекланган хўжалик фаолияти юритишга йўл қўйилади. Сувни муҳофаза қилиш теграсида:

бута-дарахтларни кесиш (санитария мақсадидаги ва парвариш йўсинидаги кесиш бундан мустасно);

заҳарли кимёвий моддалар қўлланиши ва минерал ўғитлар омборлари қуриш ҳамда бундай моддалар ва ўғитларни сақлаш;

канализация-тозалаш иншоотлари ва оқава сувлар тўпланадиган турли хил иншоотлар қуриш;

чорвачилик комплексларини, ахлат, ишлаб чиқариш чиқиндилари ташланадиган, кўмиладиган жойларни жойлаштириш, шунингдек суғоришда "шарбат" (суюқ гўнг) ишлатиш;

автомобиль транспортини қўйиб туриш, уларга ёнилғи қуйиш, уларни ювиш ва таъмир қилиш жойларини ташкил этиш;

нефть маҳсулотлари сақланадиган омборхоналарни жойлаштириш;

зиғир, каноп ва тери ювиладиган жойлар ташкил этиш ман қилинади.

Дарё ўзанларини ўзгартириш, фойдали қазилмалар кавлаб олиш ва сув заҳиралари ҳолатига таъсир қиладиган бошқа ишлар бажаришга фақат сув хўжалиги, сувни муҳофаза қилиш ва геология идораларининг рухсати билангина йўл қўйилади.

Сувни муҳофаза қилиш теграларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби ҳамда шартларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

**24-модда. Курорт табиий ҳудудлар ва уларни ташкил этиш**

Даволаш ва саломатликни тиклаш хусусиятларига, минерал манбаларга, даволовчи балчиқ қатламларига, қулай иқлим шароитлари ва бошқа шарт-шароитларга эга бўлган табиий ҳудудлар курорт табиий ҳудудлар деб эътироф этилади.

Курортлар маҳаллий ва республика аҳамиятига молик бўлиши мумкин.

Республика аҳамиятига молик курортларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма тақдимномасига биноан ташкил этади.

Маҳаллий аҳамиятга молик курортлар давлат ҳокимияти маҳаллий идораларининг Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қўшма тақдимномасига биноан қабул қилган қарори билан ташкил этилади.

**25-модда. Курорт табиий ҳудудларнинг иш тартиби**

Курорт табиий ҳудуд уч теграга бўлинади. Даволаш хусусиятига эга манбалар, даволовчи балчиқ қатламлари бор ҳудуд биринчи теграга киради. Бундай теграда ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ман этилади, даволаш хусусиятига эга манбалар ва балчиқ билан даволаш шифохоналари теварак-атрофини ободонлаштириш учун зарур иншоотлар қуриш бундан мустасно.

Санаторийлар, пансионатлар, дам олиш уйларининг дам олувчилар хордиқ чиқарадиган манзиллари, улар даволаниши ва яшаши учун қурилган бинолар жойлашган ҳудуд иккинчи теграга киради. Бу теграда хўжалик фаолияти юритиш ман этилади, даволаш ва дам олишни ташкил этиш учун зарур бўлган фаолият бундан мустасно, шунингдек бу ҳудудда вақтинча истиқомат қиладиган тиббиёт ходимлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари бошқа аҳолининг яшаши ман этилади.

Санаторийлар, пансионатлар ва дам олиш уйларига туташ ҳудуд учинчи теграга киради. Бу теграда даволаш манбаларига зиён етказмайдиган ҳамда атроф муҳитга зарарли жисмоний таъсир этиш ва ифлослантириш йўли билан дам олиш ҳамда даволаниш учун яратилган шароитларни ёмонлаштирмайдиган чекланган хўжалик фаолияти юритишга рухсат берилади. Бундай курорт табиий ҳудудлар доирасида:

фойдали қазилмаларни кавлаб чиқариш;

дарахт кесиш (санитария мақсадидаги ва парваришлаш йўсинидаги кесиш бундан мустасно);

заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборлари қуриш;

заҳарли кимёвий моддалар қўллаш;

ахлат тўкиладиган, кимёвий ва радиоактив моддаларнинг чиқитлари кўмиладиган жойларни жойлаштириш, кимё, целлюлоза-қоғоз, металлургия саноати корхоналарининг иш олиб бориши;

жойнинг гидрология маромини ўзгартирувчи ишлар бажариш қатъиян ман этилади.

**26-модда. Рекреация тегралари**

Туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун қулай жуғрофий ва иқлим шароитларига эга ҳудудлар рекреация тегралари деб эътироф этилади.

Рекреация тегралари давлат ҳокимияти маҳаллий идораларининг Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тақдимномасига биноан қабул қилинган қарори билан ташкил этилади.

Рекреация теграларида оммавий дам олиш ва туризм манфаатларига зид келмайдиган хўжалик фаолияти юритишга рухсат берилади.

Рекреация теграларида кимё, металлургия, микробиология корхоналари ва ташкилотларининг фаолият кўрсатиши, пестицидларнинг қўлланиши, ҳаром ўлган чорва моллар кўмиладиган, кимёвий ва радиоактив моддалар, рўзғор ва ишлаб чиқариш чиқиндилари ташланадиган ва кўмиладиган жойларни жойлаштириш, дарахт кесиш (санитария мақсадидаги ва парваришлаш йўсинидаги кесиш бундан мустасно), жойнинг гидрологик маромини бузадиган ишлар бажариш ман этилади.

**27-модда. Ботаника боғлари**

Ботаника боғлари ботаника термалари тузиш, тўлдириш ва асраш, илмий, ўқув ва таълим ишлари олиб бориш йўли билан маҳаллий миқёсдаги ва жаҳон миқёсидаги ўсимликлар мажмуаларининг нодир ва муайян туркумга хос турларини махсус яратилган шароитда асраш, ўрганиш, иқлимлаштириш, кўпайтириш ҳамда улардан самарали, оқилона фойдаланиш мақсадида ташкил этилади.

Умумдавлат аҳамиятига молик ботаника боғлари табиатни муҳофаза қилиш борасида илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Маҳаллий аҳамиятга молик ботаника боғларига белгиланган тартибда илмий-тадқиқот муассасалари мақоми берилиши мумкин.

Ерлар ва сув кенгликларининг участкалари барча табиий заҳиралари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда хўжалик мақсадларида фойдаланишдан тортиб олиниб, ботаника боғларига берилади.

Ботаника боғларининг ҳудудида уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоқаси бўлмаган ҳамда ўсимликлар мажмуи термаларини асрашга таҳдид қилувчи фаолият билан шуғулланиш ман этилади.

**28-модда. Дендрология боғлари.**

Дендрология боғлари илмий, маданий рекреация ва бошқа йўсинда ғоят самарали фойдаланиш учун дарахтлар ва буталарнинг ҳар хил турларини ҳамда улардан таркиб топган дарахтзорлар-бутазорларни махсус яратилган шароитда асраш ва ўрганиш мақсадида ташкил этилади. Умумдавлат аҳамиятига молик дендрология боғлари табиатни муҳофаза этиш борасида илмий-тадқиқот муассасалари ҳисобланади.

Маҳаллий аҳамиятга молик дендрология

**(Давоми 6-бетда).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ*

# АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши 2, 3-бетларда).**

боғларига белгиланган тартибда илмий-тадқиқот муассасаси мақоми берилиши мумкин.

Ер майдонлари барча табиий захиралари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қуйиладиган тартибда хўжалик мақсадларида фойдаланишдан тортиб олиниб, дендрология боғларига берилади.

Дендрология боғларининг ҳудудида уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоқаси бўлмаган ҳамда дендрология термаларини асрашга таҳдид қилувчи фаолият билан шуғулланиш ман этилади.

Дендрология боғларининг ҳудудида ботаника боғлари учун белгиланадиган талабларга мувофиқ тегралаш ишлари ўтказилиши мумкин.

**29-модда. Қўриқланма (оралиқ) тегралар.**

Қўриқланма (оралиқ) тегралар давлат қўриқхоналарига, давлат миллий табиат боғларига, давлат буюртма қўриқхоналарига, давлат табиат ёдгорликларига ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларга бўладиган салбий таъсирнинг олдини олиш мақсадида чекланган хўжалик фаолияти юритилувчи ҳудудни қамраб олади.

Қўриқланма (оралиқ) теграда хўжалик фаолияти ва табиатдан фойдаланишнинг алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга салбий таъсир келтириб чиқарувчи турлари билан шуғулланиш ман этилади.

Қўриқланма (оралиқ) тегураларнинг катта-кичиклиги ва уларнинг иш тартиби алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш билан бир вақтда белгилаб қўйилади.

**30-модда. Ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари**

Бағоят қимматли ва нодир ўсимликлар турларининг ирсий фондини муҳофаза этиш ва сақлаб қолиш, шунингдек ўрмон фонди майдонларида давлат қўриқхоналари, давлат миллий табиат боғлари ва алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъминлаш мақсадида ўрмонларнинг тақиқланган минтақалари белгилаб қўйилади.

Ўрмонларнинг тақиқланган минтақаларини давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий идоралари табиатни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги идоралари тақдимига биноан белгилайдилар.

**31-модда. Ҳайвонот боғлари**

Ҳайвонот боғлари экологик таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш, ҳайвонларнинг нодир экзотик ва маҳаллий турлари экспозицияларини яратиш, уларнинг ирсий фондини сақлаб қолиш, ёввойи ҳайвонларни ўрганиш ҳамда уларни тутқунликда кўпайтиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш мақсадида барпо этилади.

Умумдавлат аҳамиятига молик ҳайвонот боғлари маданий-маърифий йўналишдаги табиатни муҳофаза қилиш муассасалари ҳисобланади.

Ер майдонлари барча табиий захиралари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган тартибда хўжалик мақсадларида фойдаланишдан тортиб олиниб, ҳайвонот боғларига берилади.

Ҳайвонот боғларининг ҳудудида уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга алоқаси бўлмаган ҳамда бу боғлардаги ҳайвонларнинг ҳаёти учун қулай шароитни сақлаб қолишга таҳдид қилувчи фаолият билан шуғулланиш ман этилади.

Ҳайвонот боғларининг ҳудудида улар олдига қўйилган вазифаларни бажаришни таъминлаш мақсадида:

ҳайвонларни бир жойда асраш ва улардан маданий ҳамда билимни ошириш мақсадларида фойдаланиш учун экспозиция теграси;

сарҳадида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориладиган илмий тегралар (бундай теграга киришга рухсат ҳайвонот боғининг маъмурияти белгилаб қўядиган тартибда берилади);

ҳайвонот боғи томошабинларининг дам олиши ва уларга хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш учун рекреация теграси;

ёрдамчи хўжалик объектларини жойлаштириш учун хўжалик теграси ажратиб берилади.

Ҳайвонот боғлари жониворларнинг кўчма экспозицияларини ташкил этишлари, жониворларни озуқа билан таъмин этиш мақсадида барпо этиладиган ёрдамчи хўжаликларга эга бўлишлари мумкин.

**32-модда. Балиқ хўжалиги тегралари**

Нодир, йўқолиб бораётган балиқ турлари ва бошқа сув жонзотларини муҳофаза этиш ва кўпайтириш мақсадида, шунингдек балиқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув объектлари ёки уларнинг бир қисми балиқ хўжалиги тегралари деб эълон қилиниши мумкин.

Сув объектларининг балиқ хўжалиги тегураларидаги иш тартиби табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идоралари тақдимига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

Балиқ хўжалиги тегураларида балиқлар ва бошқа сув жонзотларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни кўпайтириш билан боғлиқ шароитларга зарар етказгувчи ҳар қандай хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ман этилади.

## VI БЎЛИМ. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР МУҲОФАЗАСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

**33-модда. Давлат қўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғларини муҳофаза қилиш**

Давлат қўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғларини муҳофаза қилишни махсус табиат ҳудудларини муҳофаза қилиш инспекцияси амалга оширади ва бу иш давлат қўриқхонаси тўғрисидаги ёки давлат миллий табиат боғи ҳақидаги низом билан тартибга солинади.

Муҳофаза қилиш ходимлари давлат қўриқхоналари ва давлат миллий табиат боғлари штатида турадилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат инспекторларига хос барча ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

**34-модда. Давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш**

Давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликларини муҳофаза қилишни, давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликлари қайси корхона, муассаса ва ташкилотнинг ер майдонида жойлашган бўлса, ана шу корхона, муассаса ва ташкилот амалга оширади.

Башарти давлат буюртма қўриқхонаси ёки давлат табиат ёдгорлиги тасарруф этиш ёхуд фойдаланиш учун берилмаган ер майдонида жойлашган бўлса, у ҳолда бундай қўриқхона ёки табиат ёдгорлигини муҳофаза қилишни у қайси идоранинг қарамоғида бўлса, ана шу идора таъминлайди.

Корхона, муассаса ва ташкилотлар давлат буюртма қўриқхоналари ҳамда давлат табиат ёдгорликлари муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ҳолларда давлат буюртма қўриқхонаси ва давлат табиат ёдгорлиги эгаллаб турган ер майдони ҳамда муҳофаза қилинишини таъминлаш учун зарур унга туташ ҳудуд ер эгаларидан ва ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилиши мумкин.

Агар давлат табиат ёдгорлиги муайян ердан фойдаланувчига, ер эгаси ёки сувдан фойдаланувчига бириктиб қўйилмаган ер майдонида ёки сув объектида жойлашган бўлса, уларнинг муҳофаза қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идоралари томонидан таъминланади.

**35-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган ўзга табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш**

Сувни муҳофаза қилиш минтақаларини (тегураларини) муҳофаза қилиш табиатни муҳофаза қилиш ва сув хўжалиги идоралари томонидан таъминланади. Сувни муҳофаза қилиш минтақаларини (тегралари) таркибига кирувчи ерлар чекланган хўжалик фаолияти юритиш учун корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларга улар эгалигига, фойдаланишига бириктиб қўйилаётган ёки ижарага берилаётган ҳолларда сувни муҳофаза қилиш минтақаларини (тегураларини) муҳофаза қилиш вазифаси мазкур корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар зиммасига юкланади.

Сув объектларининг санитария муҳофаза тегралари ички ишлар идоралари томонидан муҳофаза этилади.

Курорт табиий ҳудудларини ва рекреация тегураларини муҳофаза қилиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идоралари томонидан, табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан таъминланади.

Ботаника боғларини, дендрология боғларини ва ҳайвонот боғларини муҳофаза қилишни уларнинг маъмуриятлари таъминлайдилар.

Қўриқланма (оралиқ) тегралари муҳофаза қилишни ҳудудида қўриқлама (оралиқ) тегралар жойлашган ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар таъминлайдилар. Қўриқланма (оралиқ) тегураларнинг ҳудуди корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга берилмаган ҳолларда бу тегураларни муҳофаза қилиш табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан таъминланади.

Ўрмонларнинг тақиқланган минтақаларини муҳофаза қилишни ўрмонни муҳофаза қилиш идоралари таъминлайдилар.

Балиқ хўжалиги тегураларини муҳофаза қилишни мазкур сув объектида балиқчилик билан шуғулланувчи корхоналар ҳамда табиатни муҳофаза қилиш идоралари таъминлайдилар.

## VII БЎЛИМ. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРГА ДОИР МУНОСАБАТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

**36-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир муносабатлар билан боғлиқ низоларни ҳал этиш**

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини таъмин этиш масалаларига доир корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқаролар, давлат идоралари ўртасидаги низолар суд ёки хўжалик суди томонидан қараб чиқилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги табиий захиралардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалаларига доир низолар ер, сув, ўрмон тўғрисидаги қонунларда, ер ости бойликлари тўғрисидаги, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга доир муносабатлар билан боғлиқ мулкий низолар қонунларда белгиланган тартибда суд ёки хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

## VIII БЎЛИМ. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ ИШ ТАРТИБИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

**37-модда. Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини бузганлик учун жавобгарлик**

Қуйидаги ҳолларда:

табиат-қўриқхона фонди ҳудудлари ва объектларидан ўз ўрнида фойдаланмасликда, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларни барпо этиш ва улар ишини йўлга қўйиш лойиҳаларининг талабларини бузганликда:

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, уларнинг муҳофаза этиладиган тегралари доирасида ман этилган хўжалик фаолияти билан шуғулланганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг объектлари ва муҳофаза этиладиган тегураларида олдиндан экологик экспертиза ўтказмай туриб ёки бундай экспертиза хулосаларини бузган ҳолда хўжалик фаолиятини йўлга қўйганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда фалокатларнинг экологик оқибатлари ва бошқа зарарли таъсирларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўрмаганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар барпо этиш тўғрисидаги илтимосномаларни қараб чиқиш муддатлари ва тартибини бузганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлардан фойдаланиш талабларини бузганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан фойдаланишда кимёвий, физик, биологик ва ўзга хил таъсирлар йўл қўйиладиган меъёрдан ошиб кетганликда, бундай ҳудудларни истифода этиш учун берилган рухсатноманинг талабларини бузганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий объектларнинг табиий мажмуалари ҳамда уларнинг таркибига киритишни мўлжаллаб асраб қўйилган жойларни бузганликда, уларга шикаст етказганликда ёки уларни йўқ қилганликда;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг чегарасини ўзбошимчалик билан ўзгартирганликда, бундай ҳудудларда ўз билгича бошқа эҳтиёжлар учун ажратиб берганликда айбдор бўлган шахслар маъмурий, жиноий ва ўзга хил жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунларида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ўзга юридик ва жисмоний шахслар алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг иш тартибини бузиш орқали етказган зарарларнинг ўрнини қонунларда белгиланган ҳажмда ва тартибда қоплашга мажбурдирлар.

**38-модда. Корхоналар, ташкилотлар, цехлар, қурилмаларнинг фаолиятини тўхтатиб туриш, чеклаб қўйиш, ўзгартириш ва тугатиш**

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳолатига зарарли таъсир ўтказаётган корхоналар, ташкилотлар, цехлар, қурилмаларнинг фаолияти зарарли таъсир кўрсатаётган манбалар, шу жумладан алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда уларнинг муҳофаза қўриқланма тегралари ташқарисидаги манбалар бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилади ёки чеклаб қўйилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга етказилаётган зарарни бартараф этишнинг имкони бўлмаса, корхона, ташкилот, цех ва қурилмаларнинг фаолияти тўхтатилади ҳамда уларнинг фаолият йўналиши ўзгартирилганидан ва алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарарли таъсири албатта бартараф қилинганидан кейингина фаолиятлари амалдаги қонунларга мувофиқ қайта тикланиши мумкин.

## IX БЎЛИМ. АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА ДОИР ШАРТНОМАЛАР ВА БИТИМЛАР

**39-модда. Халқаро шартномалар ва битимлар**

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бобида ўзга қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари амал қилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1993 йил 7 май.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ*

## "АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилгунга қадар қонун ҳужжатларининг ушбу Қонунга зид бўлмаган қисмлари қўлланаверилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ойлик муддат ичида:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларини "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиришга оид таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари ушбу Қонунга зид келадиган ўз меъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 май.

